Давлат матбуот палатаси
Давлат матбуот қўмитаси УзССР
102598

ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан шу йил 5-7 май кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясига боради.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Пойхтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да бўлган Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар Академияси, олий ўқув юртлари ҳамда республикадаги энергия ҳисоб-китоби муаммолари билан шуғулланувчи бошқа муассасалар мутахассислари иштирокидаги семинар-кенгашда энергияни ҳисоб-китоб қилиш, ундан фойдаланиш ва асраб-авайлашнинг самарали усулларини қидириб топиш ҳаракатларини бирлаштириш алоҳида таъкидланди. Йирик лойиҳалардан бири — Ўзбекистон табиий-иқлимий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда электр узатиш тармоқларининг ўзгартирилиши таклиф этилди.

***

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида ғаройиб кимошди савдоси бўлди. Натижада 1,5 миллион сўм фойда олинди. Савдога нима қўйилди экан, дерсиз. Савдога... бу йил институтни битираётган талабалар қўйилди.

Энг яхши назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлган талабаларнинг «нархи» 100 минг сўмгача етди. «Харидорлар» сарф этилган маблағ катта фойда билан қайтиб келишини билишади-да. Чунки институтни битираётган кўпчилик талабалар келажакда қандай фаолият билан шуғулланишини яхши англаб етишган.

***

Маданият ва санъатимизнинг бир гуруҳ арбоблари Вашингтон шаҳридаги «Саклер» галереясида «Марказий Осиёнинг нафис ипаклари — Икат» кўргазмасида иштирок этишмоқда. Халқ амалий санъатининг энг қадимги, бетакрор турларидан бири — атласчиликка бутун жаҳонда қизиқиш катта. Ҳатто Америкадаги «Метрополитен» музейида Марказий Осиё атласлари намуналаридан катта кўргазма ташкил этилган. Бой тарихий, маданий меросга эга бўлган ўзбек халқининг юксак бадиий савиясини ифода этувчи кўргазма АҚШда бир ой намойиш этилади. Кейин Япония ва бошқа давлатларда кўрсатилади.

***

Навоийда республика Ички ишлар вазирлиги ташкил этган қўшиқлар байрами кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиғи матни, мусиқаси барчага манзур бўлди ва унинг муаллифлари — Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ходимларидан Ш. Ураев ва С. Омонов ғолиб деб топилди.

***

Апрелдан июнгача бўлган даврда гидролог мутахассислар учун серташвиш мавсум ҳисобланади. Тоғларда қор эриб, баҳор серёғин бўлиши оқибатида ҳар дақиқада сел ва тошқин хавфи туғилиши мумкин. Шу важдан ҳам мамлакатнинг барча сув ҳавзалари назорати Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Гидрометеорология бош бошқармаси тизимига кирувчи гидрология станцияси ва постлари ходимлари зиммасига юклатилган. Юзага келиши мумкин бўлган мудҳиш оқибатларнинг олдини олиш учун республикадаги 19 та гидрология станцияси ва 119 та гидрология постида мутахассислар ҳушёрлик билан меҳнат қилишмоқда.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 2 май, шанба • № 52 (22.289).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ



30 апрель куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси бошланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар дипломатик корпусларининг элчи ва вакиллари ҳамда республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Сессия иштирокчилари дастлаб Олий Мажлис депутатлари Замирахон Холматова ва Супон Тиллаев хотирасини бир дақиқалик сукут билан ёдга олдилар.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди.

Депутатлар мандат комиссияси раиси Ш. Мирзиёевнинг маърузасини тинглаб, Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари ваколатларини эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Парламент аъзолари сессия ишининг кун тартибини тасдиқладилар.

Шундан кейин парламент Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т. Камоловни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов Ер кодекси, Қишлоқ хўжалик ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари юзасидан маъруза қилди.

Ер кодекси лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамасида Фарғона вилояти Бағдод тумани ҳокими А. Абдусаматов, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги раиси О. Ҳалимбетов, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Савай» агросаноат бирлашмасининг бош директори С. Исмоилов, Сурхондарё вилояти «Шерободсувқурилиш» трести бошқарувчиси М. Бойкелдиев иштирок этди.

Қишлоқ хўжалик ширкати тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими Р. Обидов, Фарғона вилояти Фурқат туманининг Фурқат номидаги ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси М. Собиров, Наманган вилояти Поп тумани ҳокими Х. Талабоев, Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Бобур номидаги агрофирмаси раиси С. Ҳабибов сўзга чиқди.

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама этишда Самарқанд вилояти Ургут туманининг Ҳамза номидаги агрофирмалар уюшмаси бошқаруви раиси Э. Отамуродов, Бухоро «Пахтасаноатсотиш» акциядорлик жамияти раиси М. Умаров, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова иштирок этди.

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманининг ёпиқ турдаги «Шўрахон» қишлоқ хўжалик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Абдукаримов, Тошкент вилояти Чиноз туманининг Амир Темур номидаги фермерлар уюшмаси раиси Т. Ботиров, Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Лапасов сўзга чиқди.

Депутатлар Ер кодексини тасдиқлаб, Қишлоқ хўжалик ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги ҳақидаги қонунларни ҳамда уларнинг кучга кириш тартиби ҳақидаги қарорларни қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида катта нутқ сўзлади. У қабул қилинган Ер кодекси ва бошқа қонунларнинг агросаноат мажмуида ислоҳотларни бундан буён ҳам давом эттиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб, бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари, қишлоқ меҳнаткашлари, бутун Ўзбекистон халқи олдида турган янги вазифаларга батафсил тўхталди.

Президент депутатлар эътиборини ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш, ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни кўтариш, фермер ва деҳқон хўжаликларини тараққий эттириш ва шу тариқа қишлоқ аҳолисининг доимий равишда иш билан таъминланишига эришиш зарурлигига қаратди.

Шундан кейин депутатлар давлат Ер кадастри ҳақидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишга киришдилар. Бу масала юзасидан Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби П. Шаропов маъруза қилди. Мазкур ҳужжатни муҳокама этишда Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Фарғона вилояти Қува туманининг Ш. Рашидов номидаги «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Сайфиддинова, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Ш. Йўлдошев, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Истиқбол» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К. Иззатиллаев, Самарқанд вилояти Ургут туманининг Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А. Зиёев, Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори А. Қаюмов сўзга чиқди.

Депутатлар давлат Ер кадастри тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси (иккинчи ўқишда) ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинова маъруза қилди.

Сессия биринчи иш кунининг кечки мажлиси Оила кодекси лойиҳасини муҳокама қилиш билан бошланди.

Кодексни муҳокама қилишда «Оила» республика илмий-амалий маркази директори О. Мусурмонова, Фарғона давлат университети тиббиёт маркази директори Ю. Нишонов, «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни бошқаруви раиси Н. Кучерский, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги марказий шифохона туғуруқ бўлимининг бош шифокори Д. Тоғаниёзова, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими Қ. Ортиқов иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқладилар. У 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошев чет эл инвестициялари ҳамда чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари ҳақида маъруза қилди.

Қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилишда Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, «Файз» акциядорлик холдинг компанияси бошқаруви раиси, бош директори М. Азимова, «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Ғуломмаҳмудов қатнашди.

Сармоялар ҳақидаги қонунлар лойиҳалари муҳокамаси якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. У мамлакат иқтисодиётига хорижий капитални бундан кейин ҳам янада кенг жалб этиш, республиканинг бой хомашё салоҳиятини қайта ишлаш учун янги замонавий технологияларни жорий этиш, рақобатбардошли ҳамда жаҳон андозалари талабларига мос келадиган товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини ҳар томонлама асослаб берди. Республикамизга хорижий сармояларни жалб этиш — иқтисодиётимизни ҳар томонлама ривожлантиришимиз, халқ фаровонлигини оширишимиз учун восита бўладиган омилдир, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Депутатлар хорижий сармоялар ҳамда хорижий сармоядорларга бериладиган кафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар ҳамда бу қонунларнинг кучга кириш тартиби тўғрисидаги қарорларни қабул қилдилар.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов маърузасини тинглаб, иккинчи ўқишда кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

***

1 май куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов бошқарди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси котиби Т. Файзуллаев янги таҳрирда тақдим этилган Гаров тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Урганч Давлат университети ректори А. Саъдуллаев, Қашқадарё вилояти-

(Давоми 2-бетда)

НАМАНГАНДА СУД БОШЛАНДИ

Наманган вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан айрим жиноий кучлар ва дин ниқоби остидаги экстеримистлар содир этган мудҳиш жиноятлар юзасидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари ниҳоясига етди.

Тергов материалларига кўра, жиноий уюшманинг асосий мақсади «жиҳод» йўли билан ҳокимиятни босиб олиш ва Ўзбекистонда ислом давлати қуришдан иборат бўлган. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни кучсиз қилиб кўрсатиш, халқни кўрқувга солиб ҳукуматга ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан вазиятни беқарорлаштириш, ўзларининг атрофларига имкон қадар кўпроқ куч тўплаш мақсадида жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни қидириб топиш ҳамда уларни хорижга юбориб, махсус тайёргарликдан ўтиб келишлари ва «жиҳод» ҳаракатларига тайёр бўлиб туришларини таъминлаш, шаҳар ва қишлоқлардаги масжидлар, маҳаллалар ҳамда турли хил маросимларда ислом давлати қуришда иштирок қилишга ва ҳаётга шариат қонунларини тадбиқ этишга даъват қилишдан иборат бўлган.

Вилоят судида Наманган шаҳрида яшовчи фуқаролар — Эгамбердиев Вали, Маннонов Мухтор, Шаҳобиддинов Абдулло ва Шаҳобиддинов Жобирларнинг жиноят ишларини очиқ суд мажлисида кўриш бошланди.

Улар ҳам юқоридаги жиноий уюшма аъзолари бўлганлари ҳолда Ўзбекистон Республикаси чегарасини бузиб, белгиланган тартибларга риоя этмай, бошқа давлатга ўтганликда, миллий, ирқий, этник ва диний мансублигига қараб аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ва нифоқ келтириб чиқаришга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар содир этганликда, мустақил республикамизда вазиятни беқарорлаштириш, сиёсий ва иҳтимоий фаолиятга тўсқинлик қилувчи ва оғир оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган жиноий ҳаракатлар қилганликда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартириш, ҳокимиятни босиб олиш ва конституциявий тузумни ағдариш мақсадида фитна уюштирганликда, ноқонуний равишда ўқ отар қуроллари олиб юрганликда ҳамда сақлаганликда айбланмоқдалар.

Суд давом этмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Шарҳловчи нигоҳи

Ислом КАРИМОВ: «МДҲНИ СИЁСИЙЛАШТИРИШ КЕРАК ЭМАС!»

Маълумки, 29 апрель куни Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар давлат бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Ўзига хос, деб баҳоланган мазкур учрашувда Ҳамдўстликнинг бугуни ва эртанги истиқболи масалалари кўриб чиқилди.

МДҲ давлат раҳбарлари Кенгаши иштирокчиларининг навбатдаги йиғилишида бир қатор аниқ қарорлар қабул қилиндики, улар тўғрисида атрофлича тўхтаб ўтиш, назаримизда, ўринлидир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига кўра Россия Президенти Борис Ельцинни 2000 йилгача Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари Кенгаши Раиси лавозимида қолдиришга келишиб олинди. Россия раҳбарининг бу лавозимга қайта сайланишини МДҲ ўзгаришга юз тутиши лозим бўлган ҳозирги шароитдаги энг мақбул қарор, деб изоҳлаш мумкин.

Нега деганда Ельцин собиқ совет маконидаги суверен давлатларнинг мустақиллик йўлидан ривожланиши тарафдори бўлган Россиядаги демократик кучларнинг етакчиси ҳисобланади. Ҳамдўстлик мамлакатлари учун эски империяни қўмсаб турган зюгановчи, ангиловчи, жириновскийчилар Россияси эмас, балки «Биз МДҲ давлатларининг ривожланишидан манфаатдормиз», деяётган Ельцин Россияси афзалдир. МДҲда ҳуқуқий тенглик зарурлигини тушуниб етган Россия раҳбарининг Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида ўзаро фойдали ва тенг шериклик муносабатларини ўрнатилишига айнан шундай ёндашуви эътиборга лойиқдир.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, кечаги Москва саммитида қабул қилинган яна бир қарор диққатга сазовордир. Айнан Россия томонининг таклифи билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари Кенгашининг Раислигига тайинланди. Агар Ҳамдўстликнинг ўтган етти йилдаги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, илгари МДҲнинг юқори раҳбар органларига фақат Россия вакиллари сайланар эди. Эндиликда бундай амалиётдан воз кечилди ва ўн икки давлат ичида мустақил Ўзбекистон вакили масъулиятли лавозимга сайланди.

Бу йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган изчил ислоҳотларнинг Ҳамдўстлик миқёсида эътироф этилиши ва мамлакатимизнинг ташқи сиёсатдаги нуфузи кескин ўсиб бораётганлиги далолатидир.

Эсингизда бўлса, Кишинёв учрашувидан кейин матбуотда МДҲга тегишли бюрократик ташкилотларнинг кўпайиб кетганлиги, Ҳамдўстлик доирасида сон-саноқсиз қарорлар қабул қилингани ҳолда уларнинг амалга оширилмасдан қолиб кетаётганлиги кескин танқидга учраганди. Дарҳақиқат, ҳисоблаб кўрилса 50 дан зиёд ташкилот МДҲ «елкаси»да бўлиб, улар иштирокчи давлатлар бюджетидан маблағ билан таъминланиб турилар экан. Кейинги етти йил ичида Ҳамдўстлик доирасида мингдан зиёд қарор ва ҳужжатлар қабул қилингани билан амалда уларнинг фақат ўн фоизга яқини аъзо мамлакатлар барчаси учун мақбул бўлиб, давлат бошлиқлари томонидан имзоланган. Шу боис ҳам МДҲ Ижроия Кенгаши котибияти иши кўпчиликни

(Давоми 2-бетда)

Бу дунёнинг ишлари

ЯГОНА ВАЛЮТА ТИЗИМИГА КИМЛАР ҚЎШИЛАДИ?

Кеча Европа Иттифоқининг молия вазирлари кенгаши Европа Иттифоқи аъзолари бўлмиш давлатларнинг ягона валюта тизимига қўшиладиган мамлакатлар рўйхатини белгилаш тўғрисидаги тавсияномаларини берди. Маълумки, ягона валюта тизимига 1999 йилнинг 1 январидан ўтилади. Бу тавсиялар Европа комиссияси ва Европа валюта институтининг 25 мартдаги таклифлари асосида тузилган бўлиб, валюта тизимига Австрия, Бельгия, Германия, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия ва Франция қўшилиши мумкин. Бундан ташқари евро деб номланган валюта тизимига ўзининг иқтисодий кўрсаткичларига кўра Буюк Британия, Дания ва Швеция ҳам қўшилиши мумкин.

АЛЬБЕРТ ГОРНИНГ САФАРИ

Кеча АҚШ вице-президенти Альберт Горнинг Саудия Арабистонига расмий ташрифи бошланди. Ташриф дастурига кўра Гор Саудия Арабистони қироли Фахд ибн Абдулазиз ва валиаҳд шаҳзода, бош вазир ўринбосари Абдулла ибн Абдулазиз билан учрашади. Томонлар Яқин Шарқдаги, Форс кўрфазидаги вазиятни муҳокама қилишади. Икки томонлама муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Маълумки, Ироқ атрофидаги можароли вазият юз берганда Саудия Арабистони Вашингтоннинг қўшни давлатга зарба беришига қарши чиққан ва ўз ҳудудидан америкаликлар фойдаланишига йўл қўймаган эди. Альберт Гор Исроил давлати ташкил этилганлигининг 50 йиллик тантаналарида ҳам иштирок этади.

САЙЁҲЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳридаги аэропортида йўловчилар учун махсус терминал очилди. Бу ерда Россия, МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг 23 авиакомпаниясига хизмат кўрсатилади. Ўтган йили БААга МДҲ мамлакатларидан ярим миллиондан зиёд сайёх келиб кетган эди. Бу йил эса сайёҳлар сони янада кўпайиши кутилмоқда.

ҲАММАНИНГ ҲАМ ЎЗ МАНФААТИ БОР

АҚШ Президенти Билл Клинтон Яқин Шарқда Россиянинг ҳам ўз манфаатлари бор, деди. Бинобарин, АҚШ Фаластин-Исроил музокараларида барқарорликни таъминлаш учун ҳаракат қилаётган бўлса, Москва ҳам бундан мустасно эмас. Фақат айрим масалаларда баъзи келишмовчиликлар бўлиб турибди, холос.

УЛАМОЛАР УЧРАШУВИГА ҲОЗИРЛИК

Афғонлараро тайёргарлик қўмитасининг навбатдаги мажлисида Шимолий иттифоқ ва «Толибон» ҳаракати вакиллари уламоларининг учрашувини қачон ўтказиш ҳақида келиша олишмади. Афғонистондаги вазиятни юмшатиш бўйича БМТ махсус комиссияси раҳбари вазифасини бажарувчи Жеймс Нгобининг айтишига кўра ўтган пайшанба куни куннинг асосий масаласи кўрилди. Лекин, асосий масала нимадан иборат эканлигини журналистларга айтмади. Учрашув эса 3 май куни давом эттирилади.

САНИТАРИЯ МАШИНАСИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Душанбе шаҳрининг шарқий қисмида Тожикистон мудофаа вазирлигининг бош ҳарбий госпиталига қарашли санитария машинаси ўққа тутилди. Госпиталь бош врачи Сайфиддин Тешаевнинг айтишига кўра машинага дала қўмондони Раҳмон Сангинов аскарлари ўқ узишган. Ўққа тутиш натижасида бир киши ярадор бўлган. Машина эса илма тешик бўлиб кетган.

Ислом КАРИМОВ: «МДҲНИ СИЁСИЙЛАШТИРИШ КЕРАК ЭМАС!»

(Давоми. Боши 1-бетда)

қониқтирмаётган эди.

Саммитда котибият фаолияти жиддий кўриб чиқилиб, унинг раҳбари Иван Коротченя вазифасидан озод этилди. Украина Президенти таклифига кўра Россия Хавфсизлик Кенгаши котибининг собиқ ўринбосари Борис Березовский Ҳамдўстлик Ижроия Кенгаши котиби этиб тайинланди. Маълумки, Б. Березовский шахсига нисбатан Россиянинг ўзида ҳам турли хил қарашлар мавжуд.

«Известия» газетасининг ёзишича, шу боис ҳам тавсия этилган Березовский номзодига Президентлар жиддий муносабатда бўлишган. Ҳар бир масалага принципиал ёндашувчи Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов МДҲ Ижроия Кенгаши янги котибини огоҳлантириб: «Сизнинг отингиз ўзингиздан олдин юради. Унутмангки, бу вазифа техник иш, холос. МДҲни сиёсийлаштириш керак эмас!» дея қатъий уқтириб ўтган.

Таҳлилчилар фикрига қараганда, Москвадаги бу галги учрашувда илгаригидек кўплаб декларатив қарорлар қабул қилинмасдан, балки оз бўлса-да аниқ масалалар муҳокама этилган. Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари МДҲни ислоҳ қилиш масаласини шу йилнинг июнь-июль ойида ўтказилиши кўзда тутилаётган давлатлараро форумда муфассал кўриб чиқишни маъқул билишган. Чамаси, МДҲ ички тузилмаларини мукаммаллаштириш масаласи ҳам шу йиғинда муҳокама этилса керак. Ҳамдўстликка ҳеч бир наф келтирмайдиган ташкилотлар, ортиқча тузилмалар ва чиновниклар мазкур жараёнда қисқартирилса ажаб эмас.

Москва учрашувида МДҲ доирасида тенг ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди. Бунда иқтисодий соҳадаги интеграцияни янада чуқурлаштириш масаласи ўзаро мулоқотларнинг асосини ташкил этди. Президентлар изчил ҳамкорлик ҳаётий зарурат эканлигини қайд этишди.

Борис Ельцин бу галги саммитни «ўзига хос учрашув» деб таъкидлади. Бироқ учрашув якунлари, чамаси, айрим иштирокчиларни қониқтирмади шекилли, буни саммитдан кейинги журналистлар билан мулоқотда, ҳар қанча яширишга уринишмасин, уларнинг юзлари айтиб турарди. Дарҳақиқат, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев кеча «Известия» газетасига берган интервьюсида бу галги мажлисдан норози бўлиб, «Мен МДҲ имкониятларига кўпам ишонавермайман. Энди ҳамма ишончим фақат Божхона иттифоқида қолди, холос», дейди. 30 апрелда «Известия» газетасида чоп этилган «Назарбоевга сал бўлмаса сўз беришмади» сарлавҳали мақоласини ўқиб, унинг хафа бўлиши боисини тушуниш мумкин. Газетанинг ёзишича, у саммитда Ельциндан кейин маъруза қилмоқчи бўлган. Лекин раислик қилувчи ушбу маърузани кўриб чиқмасликни таклиф этган. Бироқ маърузасини қисқа тарзда бўлса-да баён қилишга рухсат олган. Чамаси, Президентлар кўп гапдан кўра оз бўлса-да амалий иш бўлиши яхшилигини маъқул топишган.

Россия матбуотининг ёзишича, Белорусь Президенти А. Лукашенко ҳам Москвадаги учрашувда Кишинёв саммити «хато»лари тақрорланди, деб норози оҳангда фикр билдирган. Бу ерда Лукашенко нимани назарда тутаётганлигини тушуниш қийин эмас. Унинг МДҲга нисбатан қарашларини кўпчилик яхши билади — қўйиб берсангиз Ҳамдўстликни «эски оқим»га «янгича асос»да қайтарса. Лекин энди тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. «Чуқур интеграция» дейсизми, «Евроосиё» дейсизми — мустақиллик ва эркин демократик ривожланиш йўлини танлаган суверен давлатлар бундай «ўйин»ларга мутлақо рози бўлишмайди.

Интеграция сўздаги интеграция учун эмас, балки ҳамкор мамлакатларнинг тараққий топиши, Ҳамдўстликдаги ҳар бир давлат манфаатига мос келиши, барчага бирдай мақбул бўлиши учун керак. Бунда йўлбошчимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, ҳар қандай ҳамкорлик энг аввало иқтисодий асосларга эга бўлмоғи лозим.

Мамлакатимиз раҳбари Москва саммитидан кейин журналистлар билан учрашуви чоғида масаланинг ана шу жиҳатига яна бир бор кўпчиликнинг эътиборини қаратди. «Ўзбекистоннинг МДҲга нисбатан умумий тамойили шундаки, — деб таъкидлади Президентимиз, — иқтисодиёт Ҳамдўстлик барча давлатларини бирлаштирувчи пойдевор ҳисобланиши керак». Москва саммитида эришилган энг муҳим натижа ҳам кўпчилик аъзолар томонидан Президентимиз 1991 йилдаёқ ўртага ташлаган иқтисодиёт устуворлиги тамойилининг орадан етти йил ўтиб бўлса-да, эътироф этилганидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбарининг фикрича, ниҳоят Ҳамдўстликнинг барча аъзо мамлакатлари ўзаро муносабатларда иқтисодиёт асос бўлиши кераклигини англаб етишмоқда. «Биз бир-биримиздан манфаатдор бўлишимиз лозим. Агарда МДҲ мамлакатлари бир-биридан манфаатдор бўлмаса, юқори даражада имзоланган ҳар қандай битимлар, ҳужжатлар билан ҳам бирон бир натижага эришиб бўлмайди».

Йўлбошчимизнинг бу фикрлари сўзда эмас, амалда тенг ҳамкорликни истаган шерикларни Ўзбекистон нуқтаи-назарини инобатга олишга ва бу ҳақда жиддий мулоҳаза юритишга ундаши шубҳасиздир.

Аслиддин БОЛИЕВ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

даги «Муборакгаз» бошқармаси бошлиғи И. Келеш, Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги «Ипакчи» акциядорлик жамияти раиси Т. Сатторов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Фарғона бўлими бошлиғи М. Мирҳамзаев нутқларидан сўнг қонун қабул қилинди.

Депутатлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г. Йўлдошеванинг янги таҳрирда парламентга ҳавола этилган Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳасини муҳокама этишда Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳокими Т. Менглиев, Бухоро вилояти Қоракўл тумани касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси М. Олтиев сўзга чиқди. Бу қонун ҳам қабул қилинди.

Сўнгра Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П. Қодиров Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Тошкент давлат юридик институти ректори Ҳ. Бобоев, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Н. Аминов, Андижон шаҳри ҳокими А. Собиров, Наманган вилояти Косонсой тумани ҳокими Т. Маризаева, адлия вазири С. Мирсафоев, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дустмуҳамедов иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу масала юзасидан сўзга чиқди. У амалдаги диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун заиф ижро этилаётгани, ҳокимликлар, адлия ва бошқа органлар томонидан мазкур қонунга риоя қилиш устидан назорат йўқлиги масалаларига алоҳида тўхталди. Давлатимиз бошлиғи жойлардаги давлат, адлия органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, олий мактаб, халқ таълими, маданият ходимлари олдига ислом фундаментализми, экстремизм, ваҳҳобийлик, миссионерлик кўринишлари, олға қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсиқ бўлиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш вазифасини қўйди.

Парламент янги таҳрирдаги Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, уни умумхалқ муҳокамасига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Депутатлар айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган бир қанча шартномаларини ратификация қилди, Ўзбекистоннинг бир қанча конвенцияларга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Депутатлар махсус тузилган комиссия раиси Н. Исмоиловнинг 1992-1993 йиллардаги кредитлар ва кооперациялашган тарзда маҳсулот етказиб берганлик учун Россия корхоналари билан Ўзбекистон Республикаси корхоналари ўртасидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар тўғисидаги ахборотини тинглаб, тегишли қарор қабул қилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров маърузаси бўйича Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонини таъсис этди.

Сессия котибияти раҳбари, Сурхондарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш. Норбоева депутатларни Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясига юборилган фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг мурожаатлари билан таништирди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритди, Х. Тошевни парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси этиб сайлади, айрим қўмиталар таркибларига ҳам ўзгаришлар киритди. Хоразм вилоятидаги Дружба шаҳри номини Питнак шаҳри деб ўзгартириш ҳамда Фарғона шаҳри чегараларини кенгайтириш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1997 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова ўтган йилдаги иши юзасидан ҳисобот берди.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини тугатди.



XI сессия қизғин ўтди.

Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

Диққат: янгилик!

ФАРЗАНДИНГИЗ УЧУН ДАРСЛИК СОТИБ ОЛДИНГИЗМИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йил 1 сентябрдан бошлаб умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилади.

Айни пайтда 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ногирон болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар тарбияланувчилари дарсликлар билан тўлалигича бепул таъминланади.

— Ҳозиргача вазирлигимизда ҳукуматнинг мазкур қарорини бажариш бўйича муайян ишлар қилинди, — дейди биз билан суҳбатда халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов. — Чунончи, дарслик ва ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаб ва мезонлар ишлаб чиқилди. Уларни қатъий буюртма ва шартномалар асосида яратиш, амалда қўлланилаётганларини экспертизадан ўтказиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу борада асосий эътибор дарсликларнинг ўқувчи ёши ва хусусиятларига мослиги, санитария-гигиена, эстетика ва матбаа талабларига жавоб беришини таъминлашга қаратилди.

1998—99 ўқув йили учун дарсликларни сотишни ташкил этиш бўйича вазирликда махсус ишчи гуруҳи тузилди. У савдо тармоғига, жумладан, республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги китоб дўконларига дарслик ва ўқув қўлланмаларини етказиб бериш масаласи билан шуғулланмоқда. Шу билан бирга, ишчи гуруҳ томонидан эҳтиёжманд оилалар фарзандларини ҳам китоблар билан таъминлаш борасида талай ишлар қилинмоқда.

— Бу масалада ҳомийлар, корхоналар, турли жамғармалар, хайрия ташкилотлари ва фуқаролар ёрдамига умид боғлаяпмиз, — дея сўзида давом этади М. Султонов. — Шу мақсадда ЖСБ меҳнат бўлимида 20204000010104400 1 ҳисоб рақами очилди (банк коди 00423). Вазирлигимизнинг «Таълим-таъминот» бош бошқармаси бу ҳисоб рақамига биринчилардан бўлиб 1 миллион сўм пул ўтказди. «Ариана плюс» фирмаси ҳам бу ташаббусга қўшилиб, шунча миқдорда маблағ ҳадя қилди. Фурсатдан фойдаланиб, барча саховатпарвар кишиларни бу хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишга чақираман.

Шубҳасиз, таълим тизимидаги бундай янгилик, авваламбор бозор иқтисоди талаблари остида юзага келди. Иккинчидан, дарслик билан таъминлашнинг пуллик шакли ўқувчининг китобга бўлган муносабатини ўзгартиришга, ота-оналарнинг талабчанлигини оширишга, қолаверса, дарсликларнинг матбаа сифатини янада яхшилашга қаратилгандир. Сир эмаски, ўқувчилар орасида дарсликка эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари учрайди. Эндиликда ҳаммамиз китобнинг нафақат маънавий, балки моддий бойлик эканига ҳам амин бўлаяпмиз.

Хуллас, муҳтарам ота-оналар, фарзандларингиз учун дарслик сотиб олишга кечикманг.

Б. УСМОНОВ,
ЎзА мухбири

Янги имлони ўрганамиз

«ЕТАКСНІ» emas, «YETAKSNI»

Ўзбек кирилл алифбосида **«е»** ҳарфи **«йэ»** товушини ифодалаган: **«ер, елка, съезд, подъезд»** каби. Бироқ **« е »** ҳарфи **«бел, дераза, мен, сен, тобе, моне, купе»** каби сўзларда эса худди **«элак, эркин, эл»** каби сўзлардаги ўрта (ўрта кенг), олд қатор, лабланмаган **«э»** товушини ҳам билдирар эди. Англашиладики, **«е»** ҳарфи икки хил товушни, икки хил вазифани билдирган.

Шунингдек, ўзбек кирилл алифбосида биргина фонема бошқа-бошқа ҳарф билан, яъни бўғин бошида **«э»** ҳарфи билан, бўғин ичида **«е»** ҳарфи билан ёзилган. Аммо «эшик, этик, дуэт, каратэ» каби сўзлардаги **«э»** ўрнида «е» нинг ёзилиши ва аксинча, **«е»** ўрнида **«э»**нинг ёзилиши ҳолатлари эса имловий хато ҳисобланганлигидан маълум даражада чалкашлик, қийинчилик туғдирар эди.

Республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосининг жорий этилганлиги юқоридагидек чалкашликларга, нуқсонларга чек қўйди. Эндиликда **«е»** ҳарфи бир вазифали бўлиб, сўзнинг бошида ҳам, сўзнинг ўртасида ҳам, сўзнинг охирида ҳам фақат биргина ўзбек кириллча «э» товушини кўрсатади. Масалан: Erkin (Эркин), **etak** (этак), **chek** (чек), **sel** (сел), **kupe** (купе), **mone** (моне), **tobe** (тобе) кабилар.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида, яъни янги ўзбек лотин ёзувида қатъий бир вазифали бўлган **«е»** ҳарфини ҳали ҳам **«йэ»** товуши тарзида ёзиб, имловий хатога йўл қўймоқдалар. (Бунда ҳатто сўзнинг маъноси ҳам бузилади). Мисол учун Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий шоҳ кўчаси билан Абай кўчаси чорраҳасида каттагина қилиб ёзиб қўйилган **«SIEMENS Dunyodagi etakchi tehnika»** лавҳага кўзингиз тушади. Умуман, ҳозирги ўзбек адабий тили луғати сўзлиги таркибида **«этакчи»** (?!) сўзи мутлақо учрамайди. Бинобарин **«etakchi»** (этакчи) эмас, **«yetakchi»** (етакчи) шаклида, **«tehnika»** эмас, **«texnika»** тарзида ёзилиши лозим. Худди шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси телевидениеси» бирикмасидаги «телевидениеси» сўзи **«TELEVIDENIESI»** шаклида эмас, **«TELEVIDENIYESI»** тарзида ёзилиши керак. Яна шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар кунги ойнаи жаҳон дастурида **«РЕКЛАМА ТИЖОРАТ ДИРЕКЦИЯСИ»** ҳам ўзбек кирилл ёзувида, ҳам ўзбек лотин алифбосида ўйлаб марта ёзиб кўрсатилмоқда. Бундаги **«дирекцияси»** сўзи янги ўзбек лотин ёзувида **«DIREKCIYASI»** тарзида эмас, балки **«DIREKSIYASI»** шаклида ёзилади. Шунингдек, **«лицей»** сўзи **«LICEY»** тарзида эмас, балки **«LITSEY»** шаклида ёзилади. Акс ҳолда янги ўзбек лотин алифбоси ҳарфлари сирасида ўзи мутлақо йўқ бўлган — якка ҳолда, мутлақо қўлланмайдиган — **«с»** ҳарфига кўз ўрганиб қолиши мумкин. Касални даволашдан кўра унинг олдини олганимиз маъқул.

Умуман, барчамиз янги ўзбек лотин ёзувида битта ҳам имловий хатога йўл қўймай, саксон икки бандлик «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»га қатъий риоя этишимизни, яъни имло — саводхонлик асоси эканлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармайлик.

Суннатулла РИЗАЕВ,
Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти «Она тили ўқитиш назарияси ва методикаси» бўлими мудири, доцент.

ҲОРИБ КЕЛАР ПОЧТАЛЬОН

Хизмат тизимларида

Бундан кўп йиллар илгари Абдулла бобо деган почтальон бўларди. Раҳматлининг оти кўриниши билан одамлар ҳузурига чиқар, хат-хабар, газета-журналларни олиб, бир пиёла чой тутарди. Гап шундаки, у киши икки катта қишлоқ хонадонларига ҳар куни кириб-чиқишга улгурарди.

— Бугун тезкор воситаларга эгамизу алоқа хизматидаги муаммолар нега бартараф этилмаяпти, деб сўраяпсиз, шундайми? - дейди «Қашқадарё почтаси» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошлиғи Ўрол Холмўминов. — Аввало ишимизда ўзгаришлар кўп. Имкон даражасида хизмат тизимини яхшилашга эришяпмиз. Энди айрим рақамларни келтирай. Бу йил 113 минг 474 дона газета-журналларни обуначиларга тарқатаяпмиз. Бу 1997 йилдагига қараганда 33 минг дона кўпдир. Шундан 148 таси мамлакатимизда, 14 таси вилоятимизда чиқадиган нашрлар. Бундан ташқари вилоят бўйича 187 минг кишига 342 миллион сўмдан ошиқроқ нафақа пули ҳам тарқатиш почта хизматчилари зиммасида. Жами 1150 киши хизмат қилаётган бўлса, шундан 523 нафари почтальонлар. Вилоят маркази Қарши шаҳрида 57 ва Шаҳрисабз шаҳар ва туманида 63 нафар почтальон хизмат қиляпти. Битта газета ёки журнални етказиб бериш учун шартномага кўра 5,9 сўм ажратилади.

— **Вақтли нашрлар эгаларига кечикиб бораётган туман ва қишлоқлар бор. Ёки буни инкор этасизми?**

— Нега энди? Мақсад — ишни яхшилаш экан, ҳар қандай таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилишга тайёрмиз. Энди қулоқ солинг. Марказий нашрлар Қаршига самолётнинг кундузги 12 даги рейси билан етиб келади. Уларни зудлик билан манзилларга етказишга киришамиз. Масалан, Қарши билан Шаҳрисабз ораси 120 километрдан ортиқроқ. Деҳқоноободгача 100 километр, туман марказидан «Оққишлоқ» алоқа бўлимимизгача 180 километр масофа ястаниб ётибди. Агар марказий нашрлар вилоят марказига биринчи рейс билан келтирилса эди, манзилларга шу куниёқ етказишга улгурардик. Ўтган йили 14 та янги, жумладан 12 та «Дамас» русумли, мослаштирилган машиналарга эга бўлдик. Булар хизмат борасида ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. . .

Очиғини айтганда, энг заҳматкаш кишилар — почта хизматчиларидир. Илгари бу тизимда оғир ишга ярамайдиган кишилар ишлагани, арзимас ҳақ олишгани маълум. Вилоят почта хизмати бошлиғи Ўрол Холмўминов буларни ўз иш тажрибасидан ўтказган. Чунки у оддий почтальонликдан кўтарилган. Алоқа коллежида, кейин институтнинг иқтисод бўлимларида таҳсил кўрди.

Ғузор туман почта хизмати бошлиғи бўлиб ишлади. Бир йилдан буён вилоят почтасига раҳбарлик қилмоқда. Жонсарак, ташкилотчи эмасми, тизимда анча ўзгаришларга бош бўлмоқда. Ҳозир хизматчиларнинг ўртача маоши 3 минг сўмдан ошади. Ҳиссадорлар жамиятининг 10 фоиз акциясини хизматчилар сотиб олишган бўлиб, 15 фоизи очиқ савдога, 75 фоизи «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси ихтиёрида экан. Фикримизча, қимматбаҳо қоғозлар улушидаги тафовутни бевосита вилоят почта хизматчилари ҳисобига ўзгартириш лозим. Негаки, қаерда манфаатдорлик ошса, ўша жойда ижодий ва ишчан муҳит қарор топажак.

Қашқадарё — ҳудуди улкан вилоят. Почта хизматини яхшилаш бугун транспорт воситалари билан етарли таъминланишига бевосита боғлиқ бўлиб турибди. Тоғли ҳудудларда почта хизмати учун отларни кўпайтириш (улар жуда оз), почтальонларни энг қулай восита — велосипедлар билан таъминлаш ҳақида ўйлаб кўрмоқ пайти келди. Мамлакатимизда алоқа, жумладан почта хизматини такомиллаштириш борасида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Вилоят почта хизматига ҳам ана шундай янгиликлар: хатлар, газета-журналларни саралайдиган машиналар кириб келишига, транспорт воситаларининг бисёр бўлишига умид қиламиз.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХАЛҚҚА ЯҚИН БЎЛАЙЛИК

Маълумки, партиямиз таъсири ва обрўси кўп жиҳатдан унинг қуйи ташкилотлари, халқ манфаатларига жавоб берувчи, ислоҳотларни амалга оширишда қай даражада иштирок этишига боғлиқдир. Хўш, ўз сафларида 26 минг аъзони бирлаштирган ЎзХДП Бухоро вилояти ташкилотларида бу борада аҳвол қандай? Партия ташкилотлари билан аҳоли ўртасидаги алоқалар мустаҳкамми ва бу қандай самаралар беряпти? ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ўн олтинчи пленумида юқоридаги саволларга жавоб изланди.

Пленумда «ЎзХДП Марказий Кенгаши XVIII пленуми қарорларидан вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида маъруза қилган вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ж. Нуруллаев, музокарада сўзга чиққанлар жорий йилнинг ўтган чорагида иқтисодий ислоҳотлар жараёнида партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар анча яхшиланганги қуйи ташкилотларнинг аҳоли билан алоқаси янада мустаҳкамланиб бораётганидан далолат эканлигини таъкидладилар.

Нотиқлар партиямиздан сайланган айрим депутатлар фаолияти ҳамон қониқарсиз эканлигини, вилоятда кенг кулоч ёзаётган маънавий ва демократик янгиланиш жараёнларида партиядошларимиз ўрни доим ҳам яққол сезилмаётганлигини, кўпгина партия ташкилотлари ва унинг етакчилари мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаётганликларини қаттиқ танқид қилдилар ҳамда галдаги вазифалар хусусида тўхталдилар.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

АВВАЛ ЖАБРЛАНУВЧИ ЭДИ

Бу ҳаётда ажабтовур ҳангомалар анча-мунча учраб туради. Айримларини эшитиб кулгингиз келса, баъзиларидан кайфиятингиз тушади. Мана бу воқеани ўқиб эса... на кулишни, на куйишни билмайсиз.

Қисқаси, Транспорт ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилган Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманида яшовчи Оловиддин исмли йигит антиқа хабарни баён этди: 357-сонли жиноят иши бўйича жабрланувчи ундан 2400 АҚШ доллари ва 10 минг сўм пул талаб қилаётган эмиш. Шунда бу йигит ўз кўрсатмасини ўзгартирармиш.

— Ол-а, деди ички ишлар ходимлари буни эшитиб. Аввалига, мени урган одамдан хунимни олиб берасанглар, дея додвой солиб келган бу йигит наҳотки энди ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчиларни ҳам четлаб ўтиб, товон пули олмоқчи бўлган бўлса. Устига-устак, сўраган пулини қаранг...

Хуллас, енгил тан жароҳати олганлигим ҳақида маълумотнома оладиган бўлсам ҳолингга вой бўлади, дея Оловиддиннинг юрагига ғулу солган Чилонзор туманининг 16-даҳасида яшовчи жабрланувчи Сирожиддиннинг «номер»и ўтмади. Негаки, ички ишлар ходимлари унинг бу антиқа тижоратини қонунга хилоф деб топишиб, уни жабрланувчиликдан айбланувчиликка ўтказдилар.

Мазкур воқеа юзасидан тергов ишларини Нақлиёт ИИБ коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бўлими ходимлари олиб боришмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция катта лейтенанти

КИМЛАРДАДИР ИШҚ ДАРДИ...

ҚЎШМА КОМИССИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Исломободда «Толибон» билан «Шимолий иттифоқ» делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтмоқда. Куни кеча томонлар Афғонистонда 20 йилдан буён давом этаётган урушни тўхтатиш ва мамлакатда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадида қўшма комиссия ташкил этишга келишиб олдилар. Комиссия таркибига ҳар икки томондан 20 нафардан вакил киритилади. Бироқ, музокаралар давомида икки томон ҳам ўт очишни тўхтатиш ва ҳарбий асирларни алмашиш йўлида бир тўхтамга келиша олгани йўқ.

ҲАТТО МИЛЛИАРДЕР ҲАМ АЛДАНДИ

Англияда истиқомат қилаётган мисрлик миллиардер Муҳаммад ал-Файеддан товламачилик йўли билан пул ундирмоқчи бўлган америкалик 67 ёшли Л. Освальд исмли шахс Австрия пойтахтида ҳибсга олинди. У Муҳаммад ал-Файедга 10 миллион фунт стерлинг эвазига ўғли Доди билан малика Диананинг фожиаси қасддан уюштирилган, деб гувоҳлик беришини айтган.

Ал-Файеднинг товламачи билан алоқаси бундан бир неча ҳафта аввал Америкада бошланган эди. Мисрлик миллиардер, Л.Освальд тақдим этган ҳужжатларга қизиқиб, уни Венага таклиф қилган ва бу ҳақда федерал қидирув бюросига хабар берган.

Л. Освальд келтирган ҳужжатлар текшириб кўрилганда, уларнинг барчаси қалбаки экани маълум бўлди.

ҚОЧОҚЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТАРИЛМОҚДА

Бовария маъмурияти косоволик албан қочқинларининг навбатдаги гуруҳини ватанига қайтарди. Ҳуқуқ-тартибот органлари вакилининг маълум қилишича, 96 нафар қочқинга сиёсий бошпана берилмаган ва улар Мюнхен аэропортидан ватанига жўнатилган.

Баъзи бир сиёсий гуруҳлар Югославияда барқарорлик ўрнатилгунга қадар косоволик қочқинларни мамлакатдан чиқариб юбормасликни талаб қилаётган бўлса-да, Бовария маъмурияти қочқинларнинг қолганини ҳам ватанига қайтаришни давом эттиражагини маълум қилди.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

04. 05.98

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Лирик тароналар.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Санъат ошиёни».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) — «Бухоро» (Бухоро).
14.10 — 14.45 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кучук боласи ва эски шиппак». Мультфильм.
18.20 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.45 «Олам ва одам».
19.05 Миср ҳақида ҳикоялар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 «Санъаткор саодати». М. Эрматов.
22.00 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
22.45 «Тадбиркор минбари».
23.05 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.55 «Ахборот».
00.20 — 00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Эгиз қушиқлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.15 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Сёгун». Телесериал.
22.00 «Бурч ва масъулият».
22.10 «Даракчи» (рус тилида).
22.20 «Мусиқий калейдоскоп».
22.40 «Бозор ва мулк».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Саргузашт фильмлар экрани.
23.50 — 23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
17.20 «Фантадром». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси 17.50 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Дунёқараш». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 Экранда сериал: «Флетч» Бадиий фильм.
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Мусиқий танаффус».
20.20 «Чинор» видеоканали: «Ширу-шакар», «Умид».
21.00 «Ҳамкорлик».
21.20 «Намастэ».
21.45 Кинематограф.
23.05 «Спорт-тайм».
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

05. 05.98

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Шарқ тароналари».
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 Алифбо сабоқлари.
11.05 «Эмас осон...». Адабий кўрсатув.
11.25 «Олам ва одам».
11.45 «Ўзбекистон фуқароси».
12.05 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.50 — 14.00 Кундузги сеанс. «Қойилмақом иш». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Зиё сарчашмаси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
22.40 «Мулк ва муносабат».
22.55 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
23.20 «Ахборот».
23.45 — 23.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мусиқий йўлка». Видеоклип.
21.05 «Сёгун». Телесериал.
21.55 «Даракчи».
22.05 «Спорт қитъаси».
22.35 Кундалик.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 Кинонигоҳ.
00.25 — 00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00

* * *

17.20— 20.40

*

20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Пойтахт». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Флетч — тирик». Бадиий фильм.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.35 «Наволарда аён этсам».
19.55, 22.15 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Очиқ дарс».
21.00 «Авлод».
21.20 «Ўйингоҳ».
21.40 «Телефакт».
21.55 Хит —коллекция.
22.20 «Қувноқ кино».
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

06. 05.98

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ифтихор».
9.05 «Соғлом бўлай десанг».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Камолот».
10.20 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.
11.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
12.25 Кундузги сеанс. «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
13.40 «Жараён».
14.10 — 14.30 «Халқ ижодиёти».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар».
18.30 «Меърож».
18.45 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...»
22.00 «Шаҳар — бедарвоза эмас...».
22.20 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
22.55 «Ахборот».
«Ёшлар» телеканали
23.20 1. «Менга сўз беринг!».
2. «Сочининг савдоси тушди».
3. «Эстрада ва ёшлар».
00.50 — 00.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Келин-қуёв».
21.50 «Ғазал соғинчи».
22.10 «Даракчи» (рус тилида).
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Экранда — детектив.
00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00

* * *

17.20—20.40

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 Лесли Нильсен «Ижарага олинган бола» комедиясида.
23.10 «Умр дафтари». Телекўрсатув.
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.05 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Ёлқин».
20.30 «Мезон».
20.45 «Автосалтанат».
20.55 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.15 «Мусаввир нигоҳи».
21.35 «Дурдаршан».
22.10 Кинематограф.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

07. 05.98

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилрабо наволар».
9.05 «Бокира туйғулар».
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Мен туғилган тупроқ».
10.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳор лавҳалари».
11.00 «Ёшлик» студияси. «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
11.20 «Ҳуқуқий жамият сари».
11.40 Болалар учун. «Йўл қоидаси — умр фойдаси».
12.05 Кундузги сеанс. «Фаввора». Бадиий фильм.
13.30 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.10 — 14.30 «Талаб ва таклиф».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.45 «Дунё адабиёти».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Юрак кенгликларида». Мусиқий дастур.
21.35 «Умуминсоний ва дунёвий».
22.00 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 4-қисм.
22.35 «Ахборот».
23.00 «Сомон йўли». Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
18.35 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мумтоз наволар.
21.15 «Иймон».
21.35 «Сёгун». Телесериал.
22.25 «Даракчи».
22.35 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Оилавий экран.
24.00 — 00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.20 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.40

*

20.40 «Долзарб репортаж».

*

Россия давлат телевидениеси 21.00 —21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Динозавр, Теадор, Рекс». Бадиий фильм (АҚШ).
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Суҳбатдош».
19.25 «Жаҳон агросаноатида». Голландия тажрибасидан.
19.35 «7 дан 70 гача».
19.55, 21.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Телеташриф».
21.05 «Польшага назар».
21.15 «02» тўлқинида.
21.25 «Каталог».
21.35 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.00 «Киносалон».
23.30 — 23.40 «Ҳайрли тун!».

08. 05.98

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.35 «ХХ асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акс».
20.10 «Туйғуларим».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Яхши дам олинг».
21.20 «Сёгун». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани.
23.10 Бокс. Бокс. Бокс.
23.30 Чет эл эстрадаси.
23.40 — 23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.10 Киноафиша.
17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00

*

17.20 — 20.40

*

20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси. 21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Адолат манзили». Телекўрсатув.
21.55 Оскар совриндорлари: «Кўнгиқар». Бадиий фильм.
23.35 — 23.55 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.30 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Бегойим».
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.40 «Бу бўстон аро».
21.00 «Дурдаршан».
21.35 Кинематограф.
22.55 Араб эстрадаси.
23.25—23.35 «Мунаввар тонг истаб».

09. 05.98

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Шоҳруҳ» клуби.
9.25 Алишер Навоий. «Лайли ва Мажнун». Видеофильм. 5-қисм.
10.00 «Ҳаёт суқмоқлари».
10.30 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
«Ёшлар телеканали»
11.00 1. «Талабалик йилларим».
2. «Дунё бўлди чаманим маним».
3. «Очиқ дарс».
4. «Табассум кўчаларида».
12.30 «Ер васфи». Мусиқий дастур.
12.50 «Телевидение ва томошабин».
13.20 Кундузги сеанс. «Чегем ҳангомаси». Бадиий фильм.
14.40 «Тасвирга кўчган кўнгил».
15.00 — 15.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.20 «Мўъжизанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Қўшиғимиз сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.00 «Келин-қуёв». Телешоу.
22.55 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури:
23.20 «Куй ва тасвир».
23.40 «Ҳазил».
23.50 Диққат, премьера. «Мерос». Бадиий фильм. 2-серия.
00.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Хоразм» (Ўрганч) — «Пахтакор» (Тошкент).
01.20 — 01.25 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 Ҳайриддин Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 1-қисм.
9.40 «Мусиқа теграсида».
10.00 Спорт қитъаси.
10.30 «Фидойилар». А. Тарковский. 2-қисм.
10.50 Экранда — премьера. «Лавжой». Телесериал.
11.35 «Онагинам».
11.55 Болалар экрани.
13.30 «Учрашув».
13.50 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.40 «ММ-шоуси».
15.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.00 Бокс. Бокс. Бокс.
16.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.50 Ярми ҳазил, ярми чин.
17.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.50 «Тарона».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Таянч».
19.15 «Гулдаста».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мафтункор чеҳралар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «ТВ ва театр».
22.10 «Даракчи».
22.20 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
00.40 — 00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!.

III

17.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.40 «Цирк, цирк, цирк».

*

Россия жамоат телевидениеси 18.10 — 01.00

*

01.00 Эълонлар.
01.05 — 01.20 «Сополда акс этган дунё». Телефильм.

IV

10.00 «Рақслар қанотида».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40—12.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз. («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Авторейд».
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 21.55 — Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.05 Хит-коллекция.
21.30 «Киносалон».
23.00 «Спорт-марказ».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

10. 05.98

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Нуроний».
11.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.00 «Оҳангга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
12.20 «Туркий қавмлар».
12.35 Кундузги сеанс. «Бузоқ йили». Бадиий фильм.
13.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Насаф» (Қарши).
14.40 «Келин-қуёв». Телешоу.
15.35 — 16.05 Усмирлар учун. «Нурли келажак».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Суйган сари». Мусиқий дастур.
18.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида» дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.

Спорт дастури:
22.20 1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.
23.35 Жаҳон киноси юлдузлари.
23.55 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 6-серия.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бугуннинг боласи».
8.20 Ҳайриддин Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 2-кисм.
9.45 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
9.55 Саргузашт фильмлар экрани.
10.35 «Дойче Велле» тақдим этади...
10.55 «Лавжой». Телесериал.
11.45 «Мафтункор чеҳралар...».
12.05 Болалар экрани.
«Якшанбада — яхши дам» дастури:
13.25 Кўрсатувлар дастури.
13.30 Хорижий эстрада. Robert Miles.
13.50 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.40 Ғазал соғинчи.
15.00 «Нафосат».
15.10 «Иҳтор».
15.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.20 Жаҳон мумтоз мусиқаси хазинасидан.
16.50 Мультфильм.
17.10 «Санта-Барбара». Телесериал.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.30 «Буш утирма».
18.50 «Синфдош».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.55, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Кенгга — кенг дунё».
20.15 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Даракчи».
22.05 «Миллионлар уйини».
22.25 Якшанба кинозали.
23.55 — 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 17.15 — 23.40

*

23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Киносалон».
14.00 «Телефакт».
14.10 «Ҳаммаси мода ҳақида».
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип-антракт.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 22.05 — Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 Клип-антракт.
19.55 «Бугунги кун мавзуси».
20.10 «Хайрли оқшом!».
20.40 «Мусиқий Олимп».
21.00 «Бурҳлар башорати».
22.10 Киносалон.
00.10 Жаҳон киноси янгиликлари».
00.40—00.50 «Хайрли тун!».



...КИМЛАРДАДИР...

Фойдадан ҳоли эмас

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА

Бир нарсага ҳайрон қоламан: хориждаги жуда кўп тажрибаларни ўзлаштириш ҳақида ўйлаймиз-а? Баъзи «тажриба», «яшаш тарзи»ни олиб ҳам бўлдик. Айтайлик, кўп қаватли уйларда роттелейр, дог, шинок, яна алламбало кучукларни асрай бошладик. Эрталаб биз билан лифтда итлар тушади. Кечки сайрда бемалол бола-чақамиз ўйнайдиган майдончаларда «бўшанишади», тонгги ҳаво алмаштиришларда ҳатто оёғингизни искаб-искаб...

Буям хориждан келган «тажриба» асли! Ҳеч бир жойда чекка узоқ қишлоқми, шаҳарнинг қоқ марказида яшаган хоҳ камбағал, хоҳ бадавлат хонадонда итнинг уй эгалари билан баб-баравар овқат еганини кўрмагансиз. Ҳатто узоқ ўтовда яшаган мусулмон итини ўтовига йўлатмайди. Майли-да. Замонавий бўлишиб ит асрашса-асрашсин. Кўникди ҳам. Лекин, нимага баъзи «анъана», яъни хорижий «одат»ларни олмаяпмиз.

Мана, нега ҳеч миллионер узоқ қариндошимиз оламдан ўтиб, кимгадир бойлигини ҳатлаб бериб кетмайди? Бошқаларни билмадим, лекин мен ҳали эшитмадим: «Эшитдингми Эшматбойвачча оламдан ўтиб, Тошматга бор топганини хатлаб бериб кетибди-я?» деганини.

Гапнинг кетини гап очади. Бежиз шу ҳақда гапирмаяпман. Чет элда бундай воқеалар ҳеч кимни «воҳ!» дегизмай қўйган бўлсаям барибир ёзишяпти. Балки бизни «ўрганишсин» деб ёзишар. Мана, Англияда яшовчи ўсмир, мактаб ўқувчиси Саймен Канлифф-Листерга осмондан бойлик ёғилди. Хамберсайдеда яшовчи бадавлат узоқ қариндоши каттакон чорбоғини ўлимидан сўнг Саймонга тегишли деб хатлаб қолдирибди. Чорбоғни каттакон деса, каттакон дегулик — нақд 15 миллион доллар баҳоланадиган ҳовли, боғроглари билан. Омадли Саймон ҳозирча бундай кутилмаган катта бахтдан арши- аллода учиб юрган бўлиши табиий.

Бундай катта бойлик наинки ўспирин йигитчанинг, балки ҳар қандай англияликнинг бошини бироз гангитган бўларди-да. 15 миллион долларлик чорбоққа эга бўлиш жамиятда катта нуфузга эга бўлиш дегани-да.

Саймон ҳозирча йигитча. Меросхўр. У қачон 25 ёшга тўлса чорбоғнинг ҳақиқий эгаси, тўла хўжайинига айланади.

Шундай «одат»га ҳавас қилса бўлади. Миллионер қариндош бефарзандлиги учун камсуқумгина яшаб турган ўзи яхши танимаган «жияни»ни сийлаб кетибди. Негадир ўлимидан сўнг, майли-да, одат шунақа. Нима бўлганда ҳам ўша соҳиб саховатпешалик қилган-ку. «Одат»нинг бизга ўрнашмаган томониям бордек. Бизда аксариятимизнинг уйимизда бир этак бола. Узоқдаги жиянга йўл бўлсин. Ҳалиги «ит боқиш»га одатланганлар назаримда шу одатни ҳам ўрганиб олишадигандек туюлади. Аммо тиригимизда мурувват кўрсатамиз, беадад.

Биздан ҳам ўрганса арзийдиган «одат»лар талай. Меҳр кўрсатиш одатий воқеа. Кўпда оламга жар солиб ёзиб ҳам ўтирмаймиз. Узоқдаги жиянни тоғаларимиз тириклигида бот-бот йўқлаб тураверади.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

КОЛУМБИЯ ПОЙТАХТИДА ТАНТАНА

Колумбия пойтахтида Америка қитъаси давлатлари ташкилотининг (АДТ) 50 йиллиги нишонланди. Тантанада Лотин Америкаси давлатлари ташқи ишлар вазирлари ҳамда таниқли сиёсий арбоблар иштирок этди.

35 давлатни ўз сафига бирлаштирган мазкур ташкилотни тузиш ҳақидаги ҳужжат 1948 йилнинг 30 апрелида, Америка давлатларининг биринчи конференциясида имзоланган эди. Мазкур ташкилотнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади Америка қитъаси давлатларининг сиёсий ва иқтисодий интеграциялашув жараёнини кучайтиришдан иборат.

НИҲОЯТ УРУШ ТЎХТАЙДИГАН БЎЛДИ

Бугенвил оролида Попуа — Янги Гвинея ҳукумати билан айирмачилар ўртасида қарийб 10 йилдан буён давом этаётган урушни тўхтатиш борасида битим имзоланди. Битимни имзолашда қўшни давлатлар ташқи ишлар вазирлари ҳам иштирок этди.

Бугенвилдаги можаро 1989 йилда Пагундаги конларга хўжайинлик қилаётган австралияликларга қарши маҳаллий заминдорларнинг норозиликларидан бошланган эди. Кўп ўтмай бу норозилик Попуа — Янги Гвинея ҳукумати қўшинлари билан очиқчасига кураш тусини олди. Ўтган давр мобайнида мазкур можаро туфайли 15 мингга яқин киши ҳалок бўлган.



ИСПАНИЯ. ҚАДИМИЙ АРХИТЕКТУРА НАМУНАСИ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ҲАМ МАШҲУР

Орамизда шундай ажойиб инсонлар борки, улар бутун ҳаётлари давомида халқимиз, элимиз учун жонфидо бўлиб яшайдилар. Ўзларининг ҳалол ва беминнат хизматлари билан обрў-эътибор топади. Элим, юртим деб меҳнат қилади. Мустақил ва келажаги буюк нурафшон Ўзбекистонимизни жаҳонга танитишда ўзларининг камтарона меҳнатлари билан улуш қўшади.

Ана шундай ажойиб инсонлардан бири, профессор-невролог, Оврупо-Осиё Медицина фанлари академиясининг академиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори Наби Мажидовдир. У киши Ўзбекистонда эъзозли ва чет элларда таниқли бўлиб, ҳозирги замон тиббиётининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олимлар сирасига киради.

Олим раҳбарлигида яратилган неврологлар мактаби ҳозирда нафақат Марказий Осиёда, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Наби Мажидов 26 та монография, 8 та илмий ихтиро, тиббиёт олий ўқув юртлари учун 4 та дарслик китоби яратди. Талаба ва шифокорлар учун 30дан зиёд услубий қўлланма, тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган 40 га яқин илмий тўплам, 400 дан зиёд илмий ишлар муаллифи сифатида тиббиёт хазинасига салмоқли ҳисса қўшди. Олимнинг дунё неврологияси учун жуда муҳим бўлган бош мия қоринчалари касаллигига бағишланган илмий кашфиёти фанда ўчмас из қолдирди. Бу оламшумул кашфиёт жаҳон миқёсида қабул қилиниб, «Хорио-эпендиматитлар» номли янги атама сифатида чоп этилди. Унинг бу долзарб муаммога бағишлаб Америка ва Германиянинг турли шаҳарларида, Польша, Болгария, Венгрия ва бошқа чет давлатларда қилган маърузалари хорижий мутахассислар орасида катта қизиқиш уйғотиб, тиббиёт жамоатчилиги томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Профессор Н.Мажидовнинг неврологиянинг энг долзарб бўлган ангионеврология, нейроонкология, соматоневрология ва бошқа муаммоларга бағишланган фикрлари унинг асарларида муфассал баён этилган.

Яқинда Америкадан яна бир хушхабар келди. Юртдошимиз, профессор-невролог Наби Мажидов Халқаро тадқиқот биография институтининг 500 та машҳур шахсларни аниқлайдиган ноёб китобининг 7 нашрида унинг иш фаолияти ҳам чоп этиладиган бўлди. Бу институт 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, 30 йил мобайнидаги дунё миқёсида юксак кўрсаткичларга эришган машҳур кишиларни аниқлаб келмоқда. Китоб шу йилнинг охирига қадар чоп этиладиган бўлиб, шу асрда «дунёга келганлардан» тўбдан фарқ қилади. Китоб икки томдан иборат бўлиб, муқоваси тоза чармдан тайёрланади ва қайта чоп этилмайди. Бу ноёб дурдона махсус тайёрланган қутида сақланади. Нашрга тайёрланаётган ушбу асар Америка Қўшма Штатларининг энг зўр босмаханаларидан бирида чоп этилади. Китобларнинг асл нусхалари махсус қўриқланади. Унинг худди шундай нусхалари эса китобга номлари киритилган инсонларга ҳам берилади...

Мана шундай улкан ва жаҳоншумул юксакларга интилаётган ҳамюртимиз Наби Мажидовга улкан муваффақиятлар тилаймиз. У кишига фаннинг буюк чўққиларини эгаллайверинг, устоз, дегимиз келади...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фанимиз заҳматкашлари

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 2 may, shanba № 52 (22.289).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 28061 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 03

Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 23.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Орасталик

ҲУСН КУНДА КЕРАК

Халқимизда онангни отангга бепардоз кўрсатма деган мақол бор. Шунингдек, ҳусн тўйда, муҳаббат кунда керак, дейишади. Зеро, хотин-қизлар учун орасталик, саранжомсаришталик табиатан мос жиҳатлар саналади. Парвардигор инсон боласини бекаму кўст яратган. Унинг жуссаси, рухсорига бирор ўзгартишлар киритиш гуноҳдек туюлади. Аммо, сиймони акс эттирувчи кўзгу кашф этилмасдан аввалроқ ҳам аёллар ҳар қандай шароитда ўзларига қараб олишни эплашган. Бугунги кунда замонасозлик шу даражага бориб етдики, пардозлаш мутахассислари керак бўлса, гўзал қизни кексага ва аксинча ёши улуғ онахонни қизбола сифат даражасига келтириб қўйишга қодир бўлиб кетишган.

Биз бугун пардоз, яъни юз парваришининг ўта мураккаб томонлари ҳақида фикр юритмай, айни баҳор чоғлари кўпроқ нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида фикр юритмоқчимиз. Маълумки, кўклам қуёши юз терисига ўткир таъсир қилади. Хусусан, доғларни юзага чиқариб, сепкилларни намоён этади. Шу боис, турли хил тайёр малҳаму суртмаларга «куч» бермай, эндигина бозорларга чиқаётган гиёҳлару сабзавот ва мевалардан фойдаланиш билан нохушликларни бартараф этиш мумкин.

Ҳалқмай эртанги ўрикдан тайёрланадиган суртмалар ёрдамида юз терисини тиниқлаштирса бўлади. Бақлажон, қовоқ, узумлардан фойдалансангиз юзингиз намланиб, майин тортганини ҳис этасиз. Қулупнайнинг ҳам хосияти етарли. У ҳам маймунжон сингари юз терисини соғломлаштиришга, рангини тиниқлаштиришга йўл очади. Айниқса, лимон шифобахшликда аъло хусусиятга эга. Бу меванинг шарбати терига кучли таъсир кўрсатиши туфайли уни бошқа мева шарбатлари билан аралаштириб фойдаланиш тавсия этилади. Умуман, лимон шарбатидан тайёрланган турли малҳам ва суртмалар юз терисини оқартириб, тешикчаларини торайтириб, доғлардан фориғ бўлишга имкон беради. Бундай воситалар кўпроқ оддий териларга қўл келади.

Пардоз мақсадида бодрингдан ҳам фойдаланса бўлади. Бодрингни арчиб ёки қирғичдан ўтказиб, уни матога ўраган ҳолда юз терисига ёпилса соғломлаштириш ва силлиқлашга ёрдам беради. Доғни ҳам кетказиши мумкин. Шунингдек, сабзи, помидор каби сабзавотлардан суртма-малҳамлар тайёрлаб, фойдаланилса, айни баҳор кунларида асқотиши мумкин.

Маъсуда ЁҚУБОВА тайёрлади

Эҳтиром

МАҲОРАТ ЖИЛОЛАРИ

Муҳсин АЛИЕВ ёшлигиданоқ адабиёт ва санъатга, айниқса, журналистикага қизиқар эди. Адабиёт ва санъатга бўлган иштиёқ уни 1950 йили «Туркистон» газетаси таҳририятига олиб келди. Меҳнат фаолиятини адабий ходим сифатида бошлади.

1951-1953 йилларда радиокомитетда диктор, муҳаррир бўлиб ишлади. Бу даврда у фан, маданият ва санъатимизнинг кўзга кўринган арбоблари — олимлар, артистлар, бастакорлар билан яқиндан танишди. Ўзига ниҳоятда талабчан Муҳсин Алиев 1953 йили Низомий номидаги Тошкент педагогика институтига ўқишга киради. Институтни имтиёзли диплом билан тугатгандан сўнг Ўзбекистон давлат бадиий адабиётлар нашриёти шарқ бўлимида иш бошлади. Нашриётдаги фаолияти даврида Муҳсин Алиев таржима билан жиддий шуғулланди. Ўзбек китобхонлари Л. Толстой, М. Горький, Соҳиб Жамол, Чжоу-Либо, Есио Хотта, В. Кожевников, Альберто Моравио, Катерина Суссанна Причард, Клара Акуст каби ёзувчиларнинг эртак, ҳикоя, қисса ва романларини унинг таржимасида ўқиб чиққанлар.

1960 йили Муҳсин Алиевнинг илк китоби ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Бу машҳур режиссёр Комил Ёрматовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тадқиқот эди. Асар ўша даврда нафақат муаллиф учун, балки бутун ўзбек кино санъатида катта воқеа бўлган. 1962 йили эса унинг кино ва театр актрисаси, Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова ҳақидаги китоби чиқди. Кейинроқ улкан адиб Туроб Тўла ҳақида китоб яратди.

Изланиш ва тадқиқотга қучли қизиқиш 1962 йилда Муҳсин Алиевни А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига етаклади ва у бу ерда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

1965 йили Муҳсин Алиев Ўзбекистон Давлат кинематографиячилар комитети кинофикация ва кинопрокат бошқармаси бошлиғи бўлади. Шундан бошлаб «Ўзбекфильм» киностудияси фильмлари намойиши ҳамда таҳлилида фаол қатнашади. Матбуотда бу борада ўз фикрларини билдириб туради. Телетомошабинлар яхши эслайдиган «Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи», «Сатурун»нинг тугатилиши», «Қилич ва қалқон», «Резидентнинг хатоси» каби 20 дан ортиқ фильмларни асосий ишидан ортиб маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилган. 1968 йили М. Алиев Ўзбекистон Давлат кинематография комитети раиси ўринбосари этиб тайинланди.

Кўп йиллар давомида республиканинг турли вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқларида бўлиб кишиларнинг кинога бўлган муносабатини ўрганган М. Алиев «Халқ севган санъат» номли китобини ёзди.

1977 йили Муҳсин Алиев фаолияти илмий йўналишга ўтади. Тошкент Давлат Маданият институти маданий-оқартув ишлари кафедрасида катта ўқитувчи сифатида иш бошлади, талабалар учун кино санъати курсини ташкил қилди. «Кино асослари» курсини яратади, янги ўқув қўлланмалари, дастурлар устида ишлайди.

М. Алиев 1978 йили кинематографчилар билан Англияга боради. Бундан ташқари, 1980 йили Хелсинкида «Маданият ва замонавийлик» мавзуида ўтган семинарда «Кино ва янги авлод тарбияси» хусусида маъруза қилади. 1983 йили Америкага бориб, Холливуд, Америка кино институти, Диснейленда бўлиб, Америка кино санъати билан яқиндан танишади.

Кино соҳасидаги амалий, илмий изланишларни изчил давом эттирган. М. Алиев «Кино асослари» ўқув дарслигини ёзади. Китоб 1983 йили «Ўқитувчи» нашриётида босилди. Шу орада ўзбек киносининг ривожига бағишланган тадқиқотларини жамлаб докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Маданият институти маданий-оқартув ишлари кафедраси профессори бўлди. Бой тажрибаси, чуқур билими билан ёшларга санъатни, адабиётни, кинони севишга ўргатади, энг муҳими, ҳар бир киши ким бўлишидан қатъи назар қалбан ижодкор бўлиши, маънавияти бой, маърифатли, зиёли бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Унинг бу чақириғи бизнинг бу ҳуррият, мустақиллик замонларида ҳам айни долзарб, энг зарур фазилат бўлиб қолмоқда.

Бу хотираларни ёзишга сабаб — иш столимизга қўйиб кетилган хотира маросимига ташриф қоғози бўлди. Унда шундай дейилган: *«Муҳтарам... шу йил 3 май якшанба куни эрталаб соат 8.00 да азиз падари бузрукворимиз Муҳсин Алиевнинг яқин кишилари қаторида у кишини биз билан биргаликда хотирага олишингизни сўраймиз.*

Ҳурмат билан Муҳсин АЛИЕВнинг фарзандлари»

Маърака қоғозига қараб хаёлдан бир шу фикрлар ўтган бўлса, бир бу биз унчалик ўрганмаган матн эътиборимизни тортди. Негадир бундай маросимларга ёзиладиган матн ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканмиз. Босмаханалардаги тайёр матннинг ойкунини, исм-шарифини алмаштирамиз-у қўямиз. Қаранг, унга ҳам эътибор қилиш, қунт қилиш мумкин экан. Негадир кўнгил ёришгандай бўлди.

Зеро фозил инсонларнинг фарзандлари ҳам оқил бўларкан...

Н. МУҲАМЕДОВ,
А. АҲМЕДОВ.

Спорт

ЯНА ТЕННИС, ЯНА «ҲАВАС»

Юртимизда спортнинг теннис турига алоҳида эътибор қилинаётгани яхши самара бермоқда. Пойтахтимиз ва вилоят марказларида жаҳон андозаларига мос теннис кошоналари бунёд этилгани ҳам шундан нишона. Маҳоратли теннисчилар сафи кенгаймоқда. Улар халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган «Президент кубоги» ва «Буюк ипак йўли» каби халқаро мусобақаларнинг нуфузи ортиб бормоқда. Спортчиларимизнинг «Дэвис кубоги» баҳсларида навбатдаги босқичга йўл олганлиги ҳам қувончлидир.

Бу сафар учинчи марта ўтказишга ҳозирлик кўрилаётган «Ҳавас» турнирининг ҳам алоҳида ўрни бор. Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган бу мусобақада раҳбар ходимлар майдонга тушиб, ўзларининг руҳий ва жисмоний имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу кунларда Тошкентнинг «Динамо» теннис ўйингоҳида мазкур мусобақага қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда юқори мартабали раҳбарлар иштирокида ўтказиладиган бу галги мусобақанинг ташкилий ва тадбирий жиҳатдан байрамона тус олиши кутиляпти. Ўйлаймизки, 7-8 май кунлари давом этадиган ўзига хос теннис сайили ишқибозларда ажиб таассурот қолдиради.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Чиноз балиқларга омухта ем тайёрлаш корхонаси юқори сифатли, донадорлаштирилган, йирик ва майда қорамоллар учун тайёрланган

ОМУХТА ЕМНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

СОТАДИ

Тўлов олдиндан юз фоиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Корхона манзилгоҳи: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри.
Телефон: (8-259) 31 148 Факс: (8-259) 32 580

«Технология қурилиш лойиҳа-ташкилоти» акционерлик жамияти жамоаси раис ўринбосари Воҳид Охунович Козимовга онаси **Муниса УСМОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси «Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва аудит» кафедрасининг ассистенти Қулмамат Ашурович Шакаровга отаси **АШУР бобо**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси асосий кутубхонасининг жамоаси кутубхона директори Н.Г.Умаровага қизи **Гўзал Набиевна ҒОФУРОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуммаси ва ЎзР ФА Бирлашган Касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ЎзР ФА Асосий кутубхонаси директори Наби Ғаниевич Умаровга қизи **Гўзал Набиевна ҒОФУРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.